

İPEK YOLU VE ÖTESİ
KONGRE SERİSİ
SILK ROAD AND BEYOND
CONGRESS SERIES

SIRCON2022

BİR YOL BİR KUSAK

FIRSATLAR VE ZORLUKLAR

BELT AND ROAD: OPPURTUNITIES AND CHALLENGES

TAM METİN BİLDİRİ KİTABI
FULL TEXT PAPERS BOOK

04-07 EKİM OCTOBER 2022





Necmettin Erbakan Üniversitesi Yayınları: 175

**SILK ROAD AND BEYOND CONGRESS SERIES
(SIRCON 2022)**

**BELT AND ROAD: OPPORTUNITIES AND
CHALLENGES FULL TEXT BOOK**

Grafik & Tasarım

Büşra UYAR

Muhammed Sami TEKİN

Mustafa ALTINTEPE

Baskı

NEÜ Yayınları

KTB. S. No: 48888

E-ISBN

978-625-6960-22-0

Necmettin Erbakan Üniversitesi Yayınları
Yaka Mah. Yeni Meram Cad. Kasım Halife Sok.
No: 11/1 Meram / KONYA
0332 221 0 575 - www.neuyayin.com

Aralık, 2022

** Bu eserin tüm hakları Necmettin Erbakan Üniversitesi Yayınları'na aittir. Fotokopi yöntemiyle çoğaltılamaz, kaynak gösterilmedikçe resim, şekil vb'leri kullanılamaz.*

** Kitapta yazılı olan her türlü bilginin ve yorumun sorumluluğu yazarların kendilerine aittir.*

Genel Bilgi

General Information

Tunç Çağı'na kadar uzanan kadim bir tarihi olan İpek Yolu, doğuyu batıya bağlayan bir ticaret güzergahı olarak yüzyıllar boyunca çeşitli milletler tarafından kullanılmış ve genişletilmiştir. Ana güzergahları Çin'den Orta Asya'ya, İran üzerinden Mezapotamya ile Akdeniz'e uzanan İpek Yolu ve çevresinde farklı topluluklar ve ananeler ile şekillenmiş zengin bir dünya kültürü gelişmiştir. M.Ö. II yüzyılda büyük bir kısmı Hunlar'ın eline geçen İpek Yolu, tarihsel süreçte Türk topluluklarını birbirine ekonomik ve sosyal olarak bağlaması bakımından Türk coğrafyası için önemlidir.

Uluslararası niteliğe sahip İpek Yolu ve Ötesi Kongre Serisi (SIRCON 2022) "Bir Yol Bir Kuşak: Fırsatlar ve Zorluklar" temasıyla 4-7 Ekim 2022 tarihleri arasında Özbekistan'da düzenlenmiştir. Kongreye toplam altı farklı ülkeden 94 çalışma ile katılım sağlanmıştır. Türkçe, Özbekçe ve İngilizce olmak üzere ve üç farklı dilde sunumlar yapılmıştır. Sunumların 37 tanesi yüz yüze, 57 tanesi ise çevrimiçi olarak kongrede yer almıştır. Bu vesileyle, kongreye katkı sağlayan tüm bilim insanlarına içten teşekkür eder, serinin bir sonraki kongresinde tekrar buluşmayı temenni ederiz.

Silk Road, with a history dating back to the Bronze Age, has been used and extended by various nations as a trade route linking east to the west. The main routes of the Silk Road are from China to the Central Asia and from Iran to the Mediterranean via Mesopotamia. Around the Silk Road a rich culture has developed and shaped by the contributions of various cultures and traditions. In the 2nd century BC, most parts of the Silk Road were captured by the Huns and through the history, the Silk Road has been important for Turkic communities as a route linking them economically and socially.

The first of the international Silk Road and Beyond Congress Series (SIRCON 2022) was organized under the theme of "Belt and Road: Opportunities and Challenges" on October 4-7, 2022 in Uzbekistan. 94 papers in three languages; Turkish, Uzbek and English were presented at the congress by the participants from six different countries. 37 face-to-face and 57 online presentations were made in a total of 21 sessions. Hereby, we thank all the participants of the congress and wish to meet at the next congress of the series.

Partners of Organization

Destekleyen Kurumlar



REPUBLIC OF TÜRKİYE
MINISTRY OF CULTURE AND TOURISM



TÜRK DÜNYASI BELEDİYELER BİRLİĞİ
UNION OF TURKISH WORLD MUNICIPALITIES
СОЮЗ МУНИЦИПАЛИТЕТОВ ТЮРКСКОГО МИРА



Genel Bilgi - General Information	1
Destekleyen Kurumlar - Partners of Organization	2
Program - Programme	3
Kurullar ve Komiteler - Boards & Commitees	14
THE IMPACT OF GLOBALIZATION ON POLITICS AND CULTURE IN THE MIDDLE EAST	
<i>Asst. Prof. Dr. Şuayip TURAN- Res. Hanif Youssouf AWALEH</i>	<i>30</i>
THE IMPORTANCE OF THE ONE BELT ONE ROAD PROJECT FOR THE LOGISTICS COMPETITIVENESS OF CHINA AND TURKEY	
<i>Res. Asst. Elif Tuğçe BOZDUMAN- Prof. Dr. Birol ERKAN</i>	<i>44</i>
SPATIAL DIFFUSION OF KNOWLEDGE AND ECONOMIC GROWTH ON THE AXIS OF SILK ROAD: AN EVALUATION ON TURKIC REPUBLICS	
<i>Asst. Prof. Dr. Mustafa GÖMLEKSİZ - Prof. Dr. Birol MERCAN</i>	<i>57</i>
RELATIONSHIP BETWEEN LOGISTICS AND ENVIRONMENT IN G7 COUNTRIES	
<i>Res. Asst. Elif Tuğçe BOZDUMAN - Prof. Dr. Birol ERKAN</i>	<i>65</i>
IMPACT OF INVESTMENT ON THE GROWTH OF THE ECONOMIC INDICATORS OF THE INDUSTRY	
<i>Assoc. Prof. Akhmedov Rakhmonjon MAMADJONOVICH</i>	<i>71</i>
CRYPTO CURRENCIES AS A MEDIUM OF PAYMENT IN BELT AND ROAD PROJECT: RISKS AND OPPORTUNITIES	
<i>Lecturer Murat ÇELİK</i>	<i>78</i>
OPPORTUNITIES TO REDUCE THE NEGATIVE IMPACT OF THE SEASONALITY FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF TOURISM	
<i>Prof. Dr. Nozim MUMINOV - Lecturer Farhod KHALMATJONOV - Student Azamat KADIROV</i>	<i>92</i>
EVALUATION OF THE KASHMIR CRISIS IN 'POLITICAL ECONOMY'	
<i>Meltem Zeynep YILMAZ - Assoc. Prof. Dr. Yusuf SAYIN</i>	<i>100</i>
THE ROLE OF HIGHER EDUCATION AND POLITICAL PARTICIPATION OF WOMEN IN MOGADISHU	
<i>Asst. Prof. Dr. Şuayip TURAN - Res. Rayan Abdirazak MOHAMUD</i>	<i>120</i>
THE IMPORTANCE OF GENDER NEUTRALITY IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES	
<i>Assoc. Prof. Dr. Burieva Nargiza KUCHKAROVNA</i>	<i>142</i>
COMPARATIVE ANALYSIS OF THE DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL EDUCATION IN THE UNITED KINGDOM AND UZBEKISTAN	
<i>Dr. Ulugbek JABBAROV - Dr. Anora JABBAROVA</i>	<i>150</i>

THE SPECIFICITY OF THE FUNCTIONING AND TRANSLATION OF ENGLISH MILITARY ABBREVIATIONS	
<i>Teacher Avyasova IRINA</i>	159
KÜLTÜRÜN İNOVASYON ÜZERİNDEKİ ETKİSİ: SEÇİLMİŞ ÜLKELER İÇİN PANEL VERİ ANALİZİ	
<i>Prof. Dr. Birol MERCAN - Şerife KOÇ</i>	170
İRAK'TA DAES'İN ÇIKIŞI VE İRAK TÜRKMENLERİNE ETKİSİ	
<i>Mohammed Tahsen ABDULRAHMAN - Doç. Dr. Yusuf SAYIN</i>	181
DEMİRYOLU ULAŞIMININ AKSARAY İLİ BAKIMINDAN MUHTEMEL ETKİLERİ ÜZERİNE BİR ARAŞTIRMA	
<i>Prof. Dr. Erşan SEVER - Bahar KOÇ</i>	203
DEMİRYOLU KULLANIMI İLE ÇEVRESEL BOZULMA ARASINDAKİ NEDENSELLİK İLİŞKİSİNİN ANALİZİ: TÜRKİYE ÖRNEĞİ	
<i>Doç. Dr. Pınar KOÇ - Prof. Dr. Nuri BALTAÇI</i>	233
YOL VE KUŞAK PROJESİNİN DIŞ TİCARET ÜZERİNE ETKİSİ: SEÇİLMİŞ ÜLKE ÖRNEKLERİ	
<i>Doç. Dr. Nurgün TOPALLI</i>	242
İKİNCİ KARABAĞ SAVAŞI'NIN GÜNEY KAFKASYA'YA ETKİSİ	
<i>Aytan ISAYEVA</i>	251
MASOFAVIY VA AN`ANAVIY TA`LIMNING PEDAGOGİK MUAMMOLARI	
<i>To'rayeva Shoiri MUXTAROVNA</i>	262
OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI ORQALI GENDER STEREOTIPLARNI BARTARAF ETISH YO'LLARI	
<i>Dr. Nargis QOSIMOVA</i>	280
MEHNAT MIGRATSIYASINING IQTISODIYOTDAGI ROLI VA UNI TARTIBGA SOLISH USULLARI	
<i>Dr. Begzod TAGAYEV</i>	294
O'ZBEKISTONDA INTERNETGA KIRISH VA IT KO'NIKALARIGA EGA BO'LISHNING GENDER JIHATLARI: MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR	
<i>Tarix Fanlari Doktor Professor Faniya A. AHMEDSHINA</i>	304
ZAMONAVIY MOLIVAVIY BOZORNING TALQINI VA NAZARIY-METODOLOGİK ASOSLARI	
<i>Shoha'zamiy Shohmansur SHOHNAZIR O'GLI</i>	313
ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАФАККУРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИДА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР СИМБИОЗИ МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА	
<i>Шарунов Шавкат САФАРОВИЧ</i>	350

**ЎЗБЕКИСТОНДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИНИ
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

Ризаев Нурбек КАДИРОВИЧ - Каримов Ақром АББАСОВИЧ360

**ЎЗБЕКИСТОН ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ ИҚТИСОДИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ
РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБА ВА ИМКОНИЯТИ**

Рахимова Хаваҳон УСМАНЖАНОВНА392

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА МЕВА-САБЗАВОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
РИВОЖЛАНИШИ**

Сирожиддинов Камолиддин ИКРОМИДДИНОВИЧ402

**КИЧИК БИЗНЕСГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ
МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

Байхонов Баходиржон ТУРСУНБАЕВИЧ - Кенжаев Иқромжон413

**ЭРГАШБОЕВИЧ РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАСИ ДАВРИДА
ЗАРАФШОН МУЗОФОТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-СОТИҚ**

Тўлқин Олимжонович АХМЕДОВ424

ЎЗБЕКИСТОН ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ ИҚТИСОДИЙ- ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБА ВА ИМКОНИАТИ

Рахимова Хавахон УСМАНЖАНОВНА

*“Рақамли банк иши” кафедраси доценти, и.ф.н., Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси*

Аннотация

Ушбу мақолада миллий тўлов тизимнинг иқтисодий-институционал ривожланиш ҳолати ва натижалари баён этилган. Шунингдек, ушбу ўзгаришларнинг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб ўтилган. Жумладан, банклараро ва картали тўлов тизимларда амалга оширилган ислоҳот натижалари ҳамда уни институционал ривожланишига баҳо берилган.

Калит сўзлар: тўлов тизими, банклараро тўлов тизими, инфратузилма, клиринг тизими, тўлов ташкилотлари, тўлов агентлари, тўлов хизмати, электрон пул, халқаро интеграция.

КИРИШ

Тўлов тизими бозор иқтисодиёти механизмларини барқарор ишлашига шароит яратиб берувчи муҳим бўғин ҳисобланиб, уни иқтисодиётдаги барча сектор ва соҳаларини бир бирига боғлаб турувчи структура сифатида қўришимиз лозим.

Миллий тўлов тизимини мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган ҳар қил турдаги ва даражадаги тўлов тизимлар йиғиндисини тасавур этиш лозим. Миллий тўлов тизими орқали иқтисодиётдаги мавжуд ҳар қил турдаги ресурсларни ҳаракати таъминланади.

Буғунги кунда жамиятнинг тўлов хизматларига бўлган талабини ўсиб бориши, фан-техника соҳасидаги тараққиёт ҳамда тўлов хизматлар бозоридаги рақобат тўлов тизимларни ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасига қўяётган талабларни кун сайин ошиб боришига асос бўлмоқда.

Шунингдек, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида тўлов хизматидан фойдаланувчилар учун юқори даражадаги шарт-шароитларни яратишни ҳамда ҳисоб-китоб ва тўлов соҳасидаги

муносабатларнинг янада илғор шакллари қўллашни талаб этади.

Миллий тўлов тизимининг ислоҳ қилиш тарихини таҳлил этадиган бўлсак, уларда қуйидаги умумий тенденцияни кузатиш мумкин:

- тўлов хизматлари бозори иштирокчиларининг ишончини ошириш;

- тўлов операцияларининг шаффофлигини таъминлаш;

- тарифларни пасайтириш ва тўлов хизматлари сифатини ошириш;

- тўловлар тезлиги ва хавфсизлигини ошириш;

- тўловлар географиясини кенгайтириш;

- тўлов операцияларини амалга ошириш учун мослашувчан шароитлар яратиш;

- миллий бозорда тўлов хизматлари, тўлов воситалари ва усуллари таклифини кенгайтириш.

Ушбу мақолада юқорида белгилаб ўтилган тенденцияларни тўлов тизимини иқтисодий-институционал ривожлантириш йўналишида олиб борилган трансформацион жараён натижаларига ҳамда яратилган инфраструктурага баҳо бериш. Бундан ташқари, рақамлаштириш шароитида тўлов тизимини ривожлантириш истиқболли йўналишларини белгилаш заруратидан иборат.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мақоланинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, миллий тўлов тизимини модернизация қилиш соҳасида тадқиқот ўтказишда унинг архитектура тузилиши, иқтисодий-институционал ривожланиши ва хизмат кўрсатиш моделлари, таҳлил ва синтез усуллари, абстракция, шунингдек, математик, тарихий, статистик, қиёсий усуллар ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён унинг барча соҳаларида тубдан ўзгаришлар рўй берган қаби тўлов тизимида ва унинг тарқибий қисмларида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди.

Уларни таҳлил этадиган бўлсак, 1991 йилда Ўзбекистонга собиқ маъмурчилик-бошқарув тизимидан мерос бўлиб қолган тўлов тизими бозор иқтисодиётининг талабига мутлоқ жавоб бера

олмаган ва бу ҳолат тубдан ўзгартириш дастурини ишлаб чиқиш ва тез амалга оширишни талаб этган.

Ўзбекистон давлати тўлов тизимини ислоҳ қилишда босқичма-босқич, ишлаб чиқилган аниқ дастур ва режаларга таянган ҳолда иш тутиши натижасида жаҳон тенденциялар оқимиغا яқинлашишига муваффақ бўлди.

1991 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган давр оралиғида миллий тўлов тизимини бозор принципларига ва халқаро стандартларга мослаш борасида олиб борилган ислоҳотларнинг тўрт босқичга ажратиш олиш мақсадга мувофиқ (расм-1 қаранг).



Расм-1. Ўзбекистоннинг Мустақиллик Йилларида Тўлов Тизимини Ислоҳ Қилиниш Босқичлари Ва Уларнинг Асосий Натижалари¹

Юқорида миллий банк тўлов тизимида амалга оширилган иқтисодий-институционал ислоҳотларни натижаларини босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

Биринчи босқич (1991-1997йй). Бу йиллар миллий тўлов тизими учун унинг моҳиятини ва шаклини тубдан ўзгартириш даври бўлди. Шу даврда трансформацион объект бўлиб миллий тўлов тизимини ўзагини ташкил қилувчи банклараро тўлов тизими ва пул тизимини ташкил қилди. Ислоҳот жараёнида асосий урғу

[1] Муаллиф томонидан тайёрланган

миллий сўмда фаолият юритувчи электрон банклараро тўлов тизимини яратишга қаратилди ва натижада уни амалга ошириш учун меъёрий-техник база яратилди, бу эса, бевосита миллий банклараро тўлов тизимни тўла қоғозсиз электрон шаклига ўтишга хизмат қилди. Тизимда қоғозсиз электрон тўлов ҳужжатларнинг айланиш натижасида тўлов ҳужжатларнинг айланиш тезлигини 8640 мартага ошди. Маълумки, тўлов жараёнларни тезлаштириш орқали иқтисодиётда мавжуд ресурсларнинг айланиш тезлигини ҳам шу жараёнга пропорционал равишда ошириш имкони юзага келади. Бундан ташқари, энг асосийси, ҳар бир тўлов жараён иштирокчиларнинг тўлов қобилятини ошишига, уларнинг ишлаб чиқариш соҳасида барқарор ва фаол иштирок этишига шароит яратилиши билан электрон банклараро тўлов тизими аҳамиятлидир.

Халқаро экспертларнинг баҳосига қўра, МХД давлатлар ичида Ўзбекистон биринчи бўлиб электрон банклараро тўлов тизимига ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк тизимининг электрон почтаси ишга туширилди. Республика тижорат банклари кўпгина солиқлардан, хусусан, даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва транспорт солиқларидан озод қилинди ва тежаб қолинган пуллар тижорат банкларининг техник базасини модернизация қилиш ва компьютер технологияларини харид қилишга сарфланди.

Жаҳон банкининг давлат кўмаги ва ёрдами асосида 1995 йил давомида Марказий банк ва тижорат банклари ходимларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан банклараро электрон тўлов тизимини ишга тушириш бўйича фаол ишлар амалга оширилди. 1995 йил охирида тўлиқ қоғозсиз технологияга асосланган янги электрон банклараро тўлов тизимининг дастлабки модели яратилди.

Иккинчи босқич (1997-2005йй) - бу давр миллий банк тўлов тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чоралар амалга оширилди. Хусусан, банклараро тўлов тизимининг архитектураси оптималлаштирилди, ягона корреспондентлик ҳисобварақлари тизими яратилди, бу эса тўлов ҳужжатларини ўтказиш тезлигини янада оширди. Миллий тўлов тизимида тўлов ҳужжатларнинг ўтказиш тезлиги мустақил йилларнинг дастлабки босқичига нисбатан 8640 баробар ошишига олиб келди. Бундан ташқари, банкларнинг жамланма баланси онлайн режимида тақдим этила

бошлади, бу эса, уларнинг филиал тармоғида жойлашган банк ресурсларини банкнинг бош офисидан бошқариш имконини берди.

1997 йилдан бошлаб чакана тўлов тизими соҳасида ҳам ислохотларни мамлакатимизга карталар билан ҳисоб-китоблар тизимини жорий этилиши билан кўриш мумкин. Жумладан, “Ўзсаноатқурилишбанк” VISA клиринг тизимининг тўла ҳуқуқли иштирокчисига айланди ва энг асосийси бу жараёнга параллел равишда миллий пластик карта тўлов тизимини, яъни ДУЕТ-карталарни жорий этилишини ҳамда бунинг учун тегишли шарт-шароит ва республиканинг барча тижорат банклари иштирокидаги платформа яратилди.

Учинчи босқич (2005-2016 йй) – бу давр мамлакатнинг ҳисоб-китоб ва тўлов тизимида маълум қийинчиликлар вужудга келди, хусусан, бир томондан нақд пулнинг кескин тақчиллиги, иккинчи томондан, картали тўлов тизимининг инфратузилмасини янги ривожланмаганлиги. Ушбу муаммони бартараф этиш учун нақд пулсиз операциялар инфратузилмасини ривожлантириш чоралари кўрилди. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқда, терминаллар, инфокиосклар ва банкоматлар сони кўпайишини кўрсатганига қарамай, улардан фойдаланиш самарадорлиги кўп бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу даврда миллий тўлов тизимини модернизация қилиш фойдасига сезиларли ўзгаришлар тўлов тизими архитектурасига жорий этилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг клиринг тизими бўлди. 2013-йил август ойидан бошлаб миллий тўлов тизимининг институционал тузилмасида биринчи “МУНИС” клиринг маркази пайдо бўлди.

Чакана тўлов тизимини электрон шаклига ўтиш даврининг бошлангич нуқтаси сифатида 1996 йилда “Ўзсаноатқурилиш” банкини VISA компаниясининг тўлов тизимига аъзо бўлиши билан эътироф этиш мумкин. 1997 йилда ТИФ “Миллий банк” бошчилигида миллий валюта “Сўм”да клиринг бўлиш имконини берувчи “офф-лайн” тизимига асосланган “DUET” миллий карталар муомалага жорий этилди. Лекин иқтисодиёт ривожланиши билан бирга ҳисоб-китоб соҳасида сон ва ҳажм жихатидан ўсиб бораётган ҳолат ҳамда жаҳон тўлов технологиялар соҳасида замонавий технологияларни кенг қўлланиши “офф-лайн” тизимини “он-лайн” тизимига трансформация қилиш заруриятини туғдирмоқда ва 2011 йили тизим “он-лайн” платформасига трансформация қилинди. Ушбу тизимга трансформация бўлиши орқали картали тўлов тизимнинг иқтисодий – техник имкониятлари ошиб, унинг

фойдаланувчиларига катта имконият ва шарт шароитлар яратиб берди.

Тўртинчи босқич (2017 йилдан ҳ.к.) – Тўлов тизимида инфратузилма ва коммуникацияни янада ривожланиш даври ҳисобланиб, бу босқичдаги амалга оширилган ислохотлар бошқа босқичларга нисбатан жадаллиги, тезлиги ва қўлами билан ажралиб туради. Ушбу босқич мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларини, шу билан бирга, ҳисоб-китоб ва тўловлар соҳасини либераллаштириш, шаффофлигини таъминлаш ва рақамлаштиришга қаратилган туб ислохотлар заминада амалга оширилмоқда. Тўлов тизимида амалга оширилган ислохотлар нафақат миллий тўлов тизимининг иш моделини, балки унинг мазмунига бўлган муносабатни ҳам тубдан ўзгартирди. Миллий тўлов тизимида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, тўлов хизматлари бозорида рақобатни кучайтириш учун шарт-шароитлар яратилди. Бундан ташқари, тўлов хизматида сифат ўзгаришлари, миллий тўлов тизимлари платформаларининг халқаро платформага интеграциялашуви кузатилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати глобал рақамлаштириш тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, Марказий банк ташаббусига кўра, миллий тўлов тизимини иқтисодий-институционал ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда.

Юқоридаги вазифаларни конструктив ҳал қилиш ҳисоб-китоб ва тўлов тизимлари (финтех) соҳасида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ва уларни вертикал – горизонтал ҳамда миллий – халқаро миқёсида оптимал интеграциялаштириш зарур бўлади.

2019 йилдан миллий “Humo” карта тизими жорий этилди. Эндиликда фаол ишлаётган “Он-лайн” режимидаги «UzCard» ва “HumoCard” тўлов тизимлари рақамли пуллар тизимларига ва халқаро тўлов тизимларига интеграция бўлиб, тўлов ҳудудини кенгайтиришга ва “чоксиз” ҳисоб-китоб платформаларни яратилишига хизмат қилмоқда.

2022 йил 1 январ санасига Ўзбекистон ҳудудида эмиссия қилинган тўлов карталарнинг сони 27 млн зиёдни ташкил қилди, ундан 16,5 млн карта “UzCard” тизимига ва 10,6 млн карта “HumoCard” тизимига тегишли.

Ҳозирда миллий “UzCard” ва “HumoCard” тизимлари оператори халқаро Visa, MasterCard, Union Pay International карталар билан келишув асосида кобейжинг карталарни муомалага чиқармоқда, бу эса, унинг фойдаланувчиларига хамкор давлатлар ҳудудида икки

тўлов тизими компанияларнинг таклифидан кенг фойдаланиш имконини бермоқда. Бу карталар, оддий карталардан (фақат республика ҳудудида фойдаланиш имконини берувчи “сўм” карталардан) бир қатор устунликка эга бўлиб, у ўзида кўпроқ турдаги операцияларни амалга ошириш шароитини яратиб беради. Масалан, UzCard-Mastercard ҳамкорлигида яратилган кобейжинг карта универсал ва контакtsiz карталар тоифасига кирувчи карта ҳисобланиб, ундан сўмдаги ойлик маошни олишда, сўмдаги ўтказмаларда, чет элларда банкомат ва терминалларда ҳамда интернет харидларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Ушбу карталарни устуворлиги шундаки, ундан дунё бўйлаб фойдаланиш, сўмда тўлдириш, СМС – ахборот олиш, керакли валютада карта ўзи конвертация қилишга қодир, улардан халқаро савдо сайтларида (Amazon, AliExpress, Steam, App Store, Netflix ва бошқ.) фойдаланиш, контакtsiz NFC – технологиясидан фойдаланиш, сўмдаги ҳисоб-рақамларни бошқариш мумкин бўлади.

Замонавий Ўзбекистон картали тўлов хизматлар бозорида бозор механизмлар кенг тадбиқ этилиб, унинг иштироқчилари эса, кенг имкониятларга эга бўлиб бормоқда, жумладан, ушбу бозорда кучайиб бораётган рақобат муҳити картали тўлов тизимларни такомиллашишига ва шу билан бирга, карта фойдаланувчиларга карталарни эркин танлаш имконини кенг қилиб қўймоқда.

Яқуний хулоса сифатида айтиш лозим, Ўзбекистон давлати мустақиллик йилларида миллий тўлов тизимини иқтисодий-институционал ривожлантириш соҳасида олиб борган ислохотлар натижасида қуйидаги тизим ва институтлар тўлов хизматлар бозорида ўз ўрнига эга бўлди.

1995й	Ялпи режимдаги Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими
1997й	Миллий “Uzcard” (DUET) картали тўлов тизими
2013й	Банклараро ҳисоб-китоб клиринг тизими
2019й	“Humocard” картали тўлов тизимини жорий этилиши
2020й	Банклараро тезкор тўловлар тизими, клиринг модели асосида шаклланган
2020-2022 йй	Тўлов операторлари, тўлов ташкилотлари, тўлов агентлари ва субагентлари. Электрон пул тизимлари операторлари

Расм-2. Миллий тўлов тизимининг институционал ривожланишини асосий натижалар хроникаси

Миллий тўлов тизимини жадал ривожланишига катта туртки берган омил бу - 2019 йил 1 ноябрда қабул қилинган “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳисобланади.

Қисқа вақт мобайнида ушбу қонун амалиётда бўлишига қарамадан, миллий тўлов тизимини иқтисодий-институционал ривожланиш соҳасидаги ўзгаришлар ҳамда сезиларли катта ютуқларга эга бўлди. Шу жумладан, янги қонунга асосланиб, Марказий банкнинг тегишли лицензиясига эга бўлган ҳолда 3 та - тўлов оператори миллий тўлов тизими структурасида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Улар қуйидагилар: “Yagona Umumrespublika Protsessing Markazi” МЧЖ (2020 й. лицензия олган); “Milliy Banklararo Protsessing Markazi” МЧЖ (2020 й. лицензия олган); “QULAY PUL” МЧЖ (2021й. лицензия олган);

Шунингдек, миллий тўлов тизими тажрибаси учун янги бўлган тўлов хизмати билан шугулланувчи тўлов ташкилотлари ҳамда электрон пул тизими ташкилотлари Марказий банкнинг лицензиясига эга бўлиб, илк бор республика тўлов хизматларини кўрсатиш бозорида ўз фаолиятларини юритмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда 46 та - тўлов ташкилоти ва 15 - та электрон пул тизими ташкилоти миллий тўлов хизматлар бозорида ўз ўрнига эга бўлиб, тўлов хизматлар бозорида жадал фаолиятини кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирда, бу соҳада амалга оширилган ислохотлар натижаси сифатида қўриш мумкин мамлакат миллий тўлов тизимини нафақат ички бозорга хизмат қўрсатиши, балки жаҳон бозорига ҳам чиқиш имкониятларини яратиб бермоқда. Бундан хулоса қилиш лозим, ислохотларни янада жадаллаштириш ва миллий тўлов тизимни ва унинг асосий бўғинларини жаҳон молия бозорида ўз ўрнига эга бўлишини ва халқаро тўлов тизимлар билан бир қаторда рақобатбардош даражада фаолият юритишини ҳамда ўсиб бораётган тўлов хизматларга бўлган талабни тўла қондиришини таъминлаш лозим.

ХУЛОСА

Бугунги иқтисодий глобаллашув ва рақамлаштириш шароитида молия, банк, тўлов тизимларнинг фаолиятига катта ўзгартиришлар киритилмоқда. Бундай ўзгартиришлар асосан инновацион технологиялар асосида амалга оширилиб, улар иқтисодий жараёнларни, бизнес моделларни, молиявий муносабатларнинг моҳиятини, шаклини, қўринишини ўзгартириб юбормоқда.

Миллий тўлов тизимининг замонавий қиёфа ва мазмунини тубдан ўзгарди, ривожланган бозорлардаги тўлов тизим моделларига мослашди.

Тўлов хизмат бозорида рақобат юзага келди ҳамда тўлов хизматларнинг сифати ўзгарди.

Миллий тўлов тизимларни халқаро платформаларга интеграция бўлиши учун катта имкониятлар яратилди.

Миллий тўлов тизимини ривожлантиришнинг истиқболли масалалар сифатида куйидагиларни хулоса сифатида келтириш мумкин:

- ✓ янги молиявий ҳамда рақамли технологиялардан кенг ва самарали фойдаланиш;
- ✓ рақобатни янада ривожлантириш, янги институционал иштирокчиларнинг сонини ошириш ва тўлов хизматларнинг сифати ҳамда турларини кенгайтириш;
- ✓ транзакция ва тўлов хизматлари географиясини кенгайтириш. Халқаро тўлов институтлари билан янги ҳамкорлик лойиҳаларини йўлга қўйиш;
- ✓ транзакцияларнинг шаффофлигини, тезлиги, мослашувчанлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш;

✓ халқаро тўлов тизимлар иштирокчилари ҳамда халқаро хавфсизлигини таъминловчи институтлар билан бирга тўлов тизимларидаги ахборот хавфсизлигини ошириш борасида янги лойиҳалар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Ўзбекистон Республикаси “Марказий банк тўғрисида”ги Қонуни (1995).
 Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (1996).
 Ўзбекистон Республикаси “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни (2019)
 Рахимова Х.У. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2016. – 299 б.
 X.U.Raximova, I.F.Sayfiddinov To'lov tizimi va bank xavfsizligi. Darslik / Toshkent moliya instituti. Toshkent - 2019. – 333 bet.
 Криворучко С.В. Платёжные системы: Уч. Пособие – М.: Маркет Д.С., 2010. –176 с
 Безопасность банковской деятельности : учебник для вузов / В. А. Гамза, И. Б. Ткачук, И. М. Жилкин. — 3-е изд., перераб. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2015. — 513 с.